

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ**29** 2016 — 2020 йилларда чарм-пойабзал саноатини  
янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури  
тўғрисида**[Кўчирма]**

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни давом эттириш, чарм-пойабзал саноатини модернизациялаш ва диверсификациялаш, тери хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида экспортга йўналтирилган юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кўпайтириш, шу мақсадда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида:

1. 2016 — 2020 йилларда тери хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизда ташқи бозорларда талаб қилинадиган юқори қўшилган қийматли тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириқлари 1-иловага\* мувофиқ белгилансин.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа акциядорлик жамиятлари ва корхоналар раҳбарлари — масъул бажарувчилар зиммасига 1-иловада назарда тутилган тери хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизда ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

2. 2016 — 2020 йилларда тери хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизда экспортга йўналтирилган юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда 2-иловада кўрсатилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, уларда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишнинг аниқ муддатлари, замонавий технологик талабларга жавоб берадиган илғор технологияларни танлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қувватларни белгиланган муддатларда ишга тушириш назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологиялар-

---

\* 1-2-иловалар берилмайди.

ни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги 2-иловага киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида етказиб бериладиган ускуналар параметрларининг ва технологияларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан лойиҳа ҳужжатлари ва инвестиция контрактларини пухта экспертизадан ўтказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бошқа акциядорлик жамиятлари ва корхоналар — 2-иловага киритилган инвестиция лойиҳаларининг масъул бажарувчилари билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида замонавий технологияларга эга бўлган ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ташқи бозорларга олиб чиқилишини кафолатлайдиган хорижий компанияларни кенг кўламда жалб этиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда ушбу қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган инвестиция лойиҳалари, уларни молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари аниқлаштирилган ҳолда белгиланган тартибда унга киритилишини таъминласинлар.

8. Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ушбу қарор билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича четдан келтириладиган технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар 2021 йилнинг 1 январига қадар муддатда божхона тўловлари тўлашдан озод қилинсин (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно).

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти вазифасини бажарувчи**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 15 сентябрь,  
ПҚ-2592-сон